МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

ШАНБА

2014 йил 28 июнь, №54 (1021)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадрли дўстлар!

Аввало, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида жонкуярлик ва жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган сиз, азиз журналистлар, радио ва телевидение, нашриёт ва матбаа соҳаси ходимларига ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, сизларни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун эл-юртимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Шу хурсандчилик кунда барча-барчангизни самимий қутлар эканман, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир», деб айтган чуқур маъноли даъвати халқимизнинг фидойи фарзандларига, аввалambor, ҳамиша эл-юрт ташвиши ва манфаати билан ёниб яшайдиган сиз, матбуот аҳлига қаратилган, десам, ўйлайманки, кўпчилик жамоатчилигимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳаммамизга маълум, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари замони, қолаверса, бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган, тобора кучайиб бораётган талабларни ҳисобга олмасак, шиддатли давр билан ҳамқадам бўлиб яшамасак, ўз-ўзидан аёнки, стратегик мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишимиз, тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторига киришимиз гумон бўлиб қолади.

Бу юксак талабни барчамиз, биринчи навбатда доимо жамиятнинг олдинги сафларида бўлиб келаётган сиз, матбуот аҳли яхши тушунасиз, англайсиз, деб биламан.

Айни шу талабни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш, техник ва технологик модернизация қилиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида, айтиш мумкинки, катта ишлар амалга оширилди.

Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қандай муҳим дастур ва тадбирлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум, албатта. Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини оширишда янги, юксак босқич бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Бу борада айрим мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жамият ҳаётининг кўзгуси бўлган ушбу соҳани ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда катта амалий қадамлар қўйганимиз яққол аён бўлади.

Бугунги кунда юртимизда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида анъанавий ахборот воситалари бўлмиш газета-журналлар, теле ва радиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илғор медиа тармоқлари — рақамли ва мобиль телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио, умуман, интернет журналистикаси миллий ахборот майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон телеканалларининг дастурлари глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида кейинги пайтда ташкил этилган «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари қаторида «Диёр», «Оилавий», «Кинотеатр», «Наво» каби янги телеканаллар халқимизнинг илмий-маърифий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, мазмунли ҳордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётгани эътиборга лойиқ.

Оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Президент қарорига биноан улар учун яратилган имтиёз ва преференциялар мазкур тузилмаларнинг мустақиллигини сўзда эмас, амалда таъминлашда қулай молиявий шароит туғдириб, ушбу соҳада меҳнат қилаётган минг-минглаб ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга бошқа бир қатор тармоқлар ривожига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ахборот майдонида соғлом рақобат муҳитини яратиш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, матбуот минбари орқали барча ижтимоий қатламларнинг фикр ва қарашларини ифода этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Тўкинлик ва фаровонлик асоси — тинчлик ва осойишталикдир

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26-27 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.***

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига сафарининг иккинчи куни Қува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги далаларига ташриф буюрди.

Фарғоналик деҳқонлар бу йил 112 минг 500 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда. Олтиариқ туманидаги «Нурли обод», Бувайда туманидаги «Патилахон», Ёзёвон туманидаги «Тўхтасин — 2000», Учкўприк туманидаги «Марварид гул ифори», Тошлоқ туманидаги «Луқмонов» фермер хўжаликлари бу борада алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Президентимиз Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари халқимиз манфаати йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва унинг самараларига ёрқин мисол эканини, бундай бунёдкорлик одамларимиз кўнглини кўтариб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашини таъкидлади.

Ислом Каримов ташаббуси билан Фарғона шаҳрининг маркази яратилди. Шаҳар атрофида кичик ҳалқа йўли барпо этилди. Йўл бўйларига ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилди. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун янада кенг қулайлик яратмоқда.

Юртбошимиз фермерлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқотда фермерлик ҳаракатининг самаралари, уни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида тўхталди.

— Бир пайтлар халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган ғалланинг асосий қисмини бошқа давлатлардан олиб келар эдик, — деди Президентимиз. — Фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилгани, уларга керакли шароит ва кенг имкониятлар яратиб берилгани туфайли Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди. Дастлабки йилларда фермерларимиз хорижий давлатларга бориб, тажриба орттириб келган бўлса, энди чет элликлар келиб биздан ўрганиб кетмоқда. Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган 200 дан ортиқ хорижлик олимлар, мутахассислар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларни ўрганиш, хусусан, фермерларимиз билан тажриба алмашиш ниятида эканини билдирди. Булар ҳаммамизни қувонтиради, ғуруримизга ғурур қўшади.

Авазбек Тешабоев раҳбарлик қилаётган «Роҳатой» фермер хўжалиги аъзолари 349 гектардан ортиқ майдонда пахта ва ғалла етиштираётир. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, бу ерда балиқчилик ташкил этилган. 200 тонна ҳажмдаги музлатгич омбор барпо этилиб, мева-сабзавотларни сифатли сақлаш йўлга қўйилган.

Бу йил мамлакатимизда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Бу, аввалambor, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги туфайлидир. Тинчлик бўлган жойда мана шундай мўл-кўлчилик, фаровонлик бўлади, одамлар ўз мақсадларини рўёбга чиқаради. Бу неъматларнинг барқарорлигини таъминлаш учун танлаган йўлимизда собитқадам туриб, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асрашимиз, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз даркор, деди Президентимиз.

Ислом Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳал қилувчи кучи бўлиши лозимлигини таъкидлади.

— Фермерлик ҳаракати ҳақида гапирганда, мен илгари айтган бир фикрни яна бир бор такрорлашни ўринли деб ўйлайман. Фермер нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селекционер, бизнесмен, керак бўлса, дипломат бўлмоғи зарур. Бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган янги-янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, юртимизни бундан-да обод қилишда фаол иштирок этиши керак, — деди Президентимиз.

«Клаас» комбайни бошқарувчиси Дилшод Ҳотамов германияликлар билан ҳамкорликда юртимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу комбайннинг иш унумдорлиги, ҳосилни нобуд қилмаслиги, бошқаришдаги қулайликлари ҳақида гапирди. Ўз ишидан, ҳаётидан мамнунлигини, эртанги кунидан кўнгли тўқлигини таъкидлади.

Ҳар бир инсон ўзига оилам мендан розими, дея савол бериб туриши керак. Чунки бахтнинг асосий омили — бу оила. Оилалар бахтли бўлса, жамият ҳам бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

«Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев, Фурқат туманидаги «Шабода-Н» фермер хўжалиги раҳбари Нурали Ғаниев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ҳар соҳада намоён бўлаётгани, давлатимизнинг халқаро нуфузи, одамларнинг турмуш тарзи тобора юксалиб бораётганини таъкидлади.

**Анвар САМАДОВ,**
**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

## Юксак эътибор ва рағбат фидойилик ва фаолликка чорлайди



■ ЎзА олган сурат.

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий оммавий ахборот воситалари равнақи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларининг янада фидойилик билан меҳнат қилишида, улардаги ижтимоий фаоллик, элу юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини тобора кучайтиришда асосий омил бўлмоқда.***

Зеро, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида, жамиятимиздаги ижтимоий барқарорлик муҳитини янада мустаҳкамлашда, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

«Туркистон» саройида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрий журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари,ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

(Давоми 2-бетда).

ФОНД КЎМАГИДА

## Йиғинлар замонавий қиёфа касб этмоқда

***«Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини Пешку туманидаги аҳоли гавжум ҳудудлардан. Икки ярим минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатадиган маҳалла биноси яқин-яқингача собиқ ширкат хўжалиги тасарруфидаги икки хонадан иборат кўримсизгина бинода жойлашган, афтодаҳол эди.***

**Акбар РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви ҳамда туман бўлинмасининг 10 миллион сўмлик маблағи ҳисобига бино капитал таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди. Раис, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори учун алоҳида хоналар ташкил этилди. Фуқаролар йиғини балансига ўтказилган бино ёнидаги яна бир фойдаланилмай ётган иншоотда пойабзал тузатиш устахонаси, гўзаллик салони ва бошқа турдаги сервис хизмати шохобчалари ташкил этилиб, ўзига хос маҳалла гузари қад ростлади.

Қисқа фурсатда янги бинога компьютер жамланмалари, мебель жиҳозлари, кўргазмали тарғибот воситалари ҳамда адабиётлар келтирилди. Буларнинг барчаси Фонд кўмагида амалга оширилди.

> [2]

## Ёш жаҳон чемпионларига Президентимиз совғаси топширилди



***Шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича жаҳон чемпионлари — Исломбек ва Жавоҳир Синдоровларга Президентимиз совғаси топширилди.***

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган баркамол авлод вояга етаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Фаолиятда бир-бирига ўрнак ва ибрат бўлиб

***Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳомийларни жалб этган ҳолда маҳаллани янада ободонлаштириш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида тўплаган тажрибаси бугун нафақат туман ёки шаҳар, балки республика миқёсида ҳам оммалаштирилмоқда.***




■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Бунинг боиси Обод турмуш йилида ушбу маҳалла «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловида туман, шаҳар ва республика босқичларида ғолибликни қўлга киритган эди.

Аҳилликларнинг ортидан эргашган, улардан ўрнак олган маҳаллалар жорий йилги танловда муваффақиятли иштирок этаётир. Бу Олмазор туманида ўтказилган танловда яна бир бор ўз исботини топди. Қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилган танловда «Ниҳол» биринчи, «Зиё» иккинчи, Беруний номидаги маҳалла учинчи ўринни қўлга киритди.

— Танловлар кишини янада самарали меҳнат қилишга, изланишга чорлайди, — дейди «Ниҳол» фуқаролар йиғини раиси Ниғматилла Иноғомов. — Фаолиятимизни намунали йўлга қўйишимизда жамоатчилик асосида иш юритаётган комиссиялар аъзоларининг алоҳида ҳиссаси бор.

> [2]

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

# Муросасиз баҳслар давом этмоқда

***Юртимизда ўтказилаётган анъанавий «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнири ёшларни спортга жалб қилиш, курашни оммалаштириш ва маҳалла ўғил-қизларининг ёз мавсумини мароқли ўтказишларига замин яратмоқда.***

**М. ЛАТИПОВА, Расул КАМОЛ «Mahalla»**

Турнирнинг «Сағбон» кураш спорт мажмуасида ўтказилган Тошкент шаҳар босқичида иқтидорли курашчилар баҳси қизғин тус олди.

— 13-14 ёшли болалар ўртасида ўтказилган кураш мусобақаларида пойтахтимиздаги 455 та маҳалла вакиллари фаол иштирок этди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг етакчи мутахассиси Улуғбек Раҳимжонов. — Маҳаллалараро ва туман босқичларида 2730 нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашган бўлса, шулардан 550 нафарини кам таъминланган оила фарзандлари ва 45 нафарини тарбияси оғир болалар ташкил этди.

Мусобақа якунига кўра, 46 кг. вазн бўйича Сергели туманидан Б.Абулов, 50 кг. вазн бўйича Олмазор туманидан О.Исмоилов, 55 кг. вазн бўйича Олмазор туманидан Б.Йўлдошхўжаев ҳамда қизлар ўртасида 44, 48, 52 кг. вазн бўйича Юнусобод туманидан М.Усмонова, М.Иброҳимова ва М.Жумабоева ғолибликни қўлга киритиб, кейинги босқичга йўлланма олишди.

Фарғона туманидаги Маданият ва истироҳат боғида ўтказилган беллашув ҳам муросасиз курашларга бой бўлди. Унда турнирнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 58 нафар ўғил бола ва 39 нафар қиз олти вазн тоифасида куч синашди. Қизиқарли баҳслар натижаларига кўра, 46 кг. вазн бўйича Фарғона шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинидан Ф.Тошпўлатов, 50 кг. вазн бўйича Олтиариқ туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинидан А.Ҳасанов, 55 кг. вазн бўйича Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғилоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинидан А.Одилжонов биринчи ўринни қўлга киритди. Қизлар ўртасида кечган мусобақаларда эса Олтиариқ туманидаги «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинидан 44 кг. вазн бўйича Д. Муҳитдинова, 48 кг. вазн бўйича Н.Каримова, 52 кг. вазн бўйича Марғилон шаҳридаги «Чор чинор» маҳалла фуқаролар йиғинидан Дилдора Аминова ғолиб деб топилди.

Мусобақа ғолибларига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва ҳамкор ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.



ЭРТА ТУРМУШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

# Катта ҳаёт остонасининг масъулият ва мажбурияти бор



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

*...Туғуруқхона рўпарасида ғамгин турган йигит — Маъруфжон бир йил олдин уйланганди. Ўн еттига ҳам тўлмаган Азиза ҳомиладорликни оғир ўтказди. Бутунлай шифокорлар назорати остида бўлса-да, унинг саломатлиги кундан-кунга ёмонлашарди. Уни ҳозир жарроҳлик амалиётига олишди.*

*Эшикка термилиб ўтирган Маъруфжоннинг нигоҳи чақалоғини бағрига босганча жилмайиб чиқаётган бир ёш жувонга тушди. Шу пайт гул кўтарган йигит чопқиллаб бориб, чақалоқни қўлига олди. Гулдастани аёлга тутқазди. Ёш ота-оналар бахтдан масрур. Чақалоққа термилиб кулишади. Маъруфжон уларни таниди. Қўшни маҳалладаги Акром ва Зарифа. Тўйлари бир кунда бўлган, ФҲДЁ биносида олдинма-кетин никоҳдан ўтишган, ўшанда бир-бирларини қутлашганди. Улар институтни тугатиб, турмуш қуришаётганди. Зарифанинг дуркун гавдаси олдида Азизанинг жуссаси анча нимжон экани яққол сезилганди. Маъруфжоннинг назарида тўйда ҳам, ҳозир ҳам улардан кўра бахтлироқ киши йўқдек эди. Таниш шифокорнинг товушидан Маъруфжоннинг хаёли бўлинди: «Ўзингизни қўлга олинг, болани асраб қололмадик. Энг ёмони, хотинингизнинг умуртқа поғонаси жиддий шикастланган, у энди фарзанд кўролмайди...»*

*Бу гаплар Маъруфжонни довдиратиб қўйди. Калта ўйлаган ота-онасининг сўзини қайтаролмагани, ўспирин қизга уйланиб катта хато қилганидан афсуланар, кейинги тақдири қандай кечишини ўйлаб юраги зирқирарди...*

**Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»**

Дарҳақиқат, соғлом турмуш тарзига амал қилинган, бахтли ва аҳил оилада туғилган бола эл-юрт корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етади. Юрт эртаси эса, ана шундай ёшларнинг қўлида. Шу боис оила масаласи доимо давлатимизнинг диққат-марказида.

Мамлакатимиз ёшларининг розилик, ихтиёрийлик, тенглик асосида, никоҳ ёшига етгачгина аҳдлашиб, оила муносабатларига киришишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, маҳаллалардаги тарғибот тадбирларида ёшларга оила қуришнинг қонуний асослари, эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тушунтиришлар берилаётир.

Эрта турмуш қуришнинг олдини олишда ҳамкор ташкилотларнинг янада ҳамжиҳатлиги, тарғибот тадбирларининг аниқ мақсадга йўналтирилгани муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 12 йиллик мажбурий таълим моҳиятини чуқур тарғиб этиш ҳам фарзандлар онгида муайян кўникмалар ҳосил қилади. Касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қиз нафақат оила қуришга жисмонан тайёр бўлади, балки бирор ҳунар эгасига айланиб, келажаги учун замин ҳозирлашини нафақат ёшларга, балки ота-оналарга кенг тушунтириш лозим. Ондасонда бўлса-да учраётган эрта турмуш қуриш ёки қариндошларнинг никоҳга киришиш ҳолатлари асосан ота-оналарнинг хоҳиш-иродаси билан ёки узоқни ўйламаслиги оқибатида юз бермоқда. Ачинарлиси, бундай омиллар оилаларнинг мустаҳкамлигига путур етказиб, туғилажак фарзандлар саломатлигига, келажагига салбий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги қарори асосида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»дан ўрин олган қатор долзарб вазифалар айнан оила институтини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг оилага масъулиятини ошириш ҳамда эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади. Ушбу устувор вазифалар ижроси нафақат мутасадди ташкилотлар, балки кенг жамоатчилик иштирокида таъминланади, юртимизда соғлом оилаларнинг бунёдга келиши ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол фарзандларни вояга етказишдек улуғ мақсадларга йўл очади.

Мазкур дастурларнинг аксарият вазифаларида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъул ижрочидир. Эрта никоҳнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам бевосита маҳалла-кўй кўмагида таъминланадиган жараён. Шу боис ушбу масала Фонд ва унинг ҳудудий тузилмаларининг асосий диққат-марказида.

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги жамоатчилик комиссиялари ишини тизимли ташкил этиш, самарадорлигини ошириш ҳамда оилавий низо ва эрта никоҳларнинг олдини олиш каби ишларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига услубий-амалий кўмаклашиб келмоқда, — дейди Фонд республика бошқаруви бош мутахассиси Ўғилой Ўрозова. — Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ўтган давр мобайнида 42 мингдан ортиқ тушунтириш ишлари ташкил этилиб, уларда 2 миллионга яқин аҳоли иштироки таъминланди.

Эрта турмуш қуришнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар ва жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди. Улар ёшлар ўртасида 56 мингдан ортиқ давра суҳбати ташкиллаштириб, бундай никоҳларнинг салбий оқибатларини таъсирчан мисолларда очиб беришди. Тарғибот қанча таъсирчан бўлса, унинг самарадорлиги шунча ортади. Қарангки, тарғиботгача ота-оналар томонидан никоҳ ёшига етмаган фарзандини турмуш қурдиришга уринаётган 270 та ҳолат аниқланган бўлса, тушунтиришлардан кейин уларнинг бари барҳам топди. Маҳаллаларда эрта турмуш қуришнинг олдини олишга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда.




## Ҳаводан зарба йўлланди

***Сурия ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Ироқ ҳудудига берилган ҳаво зарбалари оқибатида камида 57 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган, 120 нафар киши жароҳатланган.***



«CNN» тарқатган хабарга кўра, бир қанча савдо нуқталари ва ёқилғи қуйиш шохобчалари вайрон бўлган. Зарбалар Ироқ ғарбидаги Сурияга чегарадош Анбар музофотидаги нишонларга қаратилган.

Яқинда «Ироқ ва Шом ислpoints давлати» ҳаракати жангарилари Ироқнинг Ал-Қайм шаҳридан унча узоқ бўлмаган Сурияга чегара ҳудуддаги ўтиш жойини қўлга олганди. Ҳаракат аъзолари Ироқ ва Сурия ҳудудида ягона давлат тузишга уринишмоқда.

## Учувчисиз курьер қулади

***Ирландияда номаълум шахс дрондан фойдаланиб, қамоқхонага наркотик модда киритишга уринди.***

Бироқ аппарат симга илашиб, қамоқхона деворига қулаган. Шу тариқа Дублиндаги Уитфилд қамоқхонаси ҳудудига учувчисиз самолётда наркотик модда етказиб бериш режаси чиппакка чиқди. Полициянинг изоҳлашича, сим тортилишидан мақсад вертолёт ёрдамида қочиш эҳтимолининг олдини олишдан иборат бўлган.

Қамоқхона қўриқлаш хизмати вазиятни қўлга олган. Шунга қарамай, очиқданочиқ учоқнинг келишини кутган бир гуруҳ маҳбуслар қулаган аппаратга ташланишган. Ҳатто улардан бири дрондан пакетни узиб олиб, ютишга улгурган.

Учоқнинг очиқликдаги оператори аппаратнинг ҳавога бошқа кўтарилмаслигини англагач, яширинган. Наркотикни ютган маҳбус эса алоҳида хонага қамалган. Дрон қолдиғи билан полиция шуғулланмоқда.

## Кўргазмада инсонсифат роботлар

***Токиодаги Илғор фан ва технологиялар миллий музейида «Андроидлар инсонми?» номи остида ўтган кўргазмада инсонга ўхшаб кетадиган учта робот намойиш этилди.***



Андроид-роботларни яратишда махсус сликон ва сунъий мускуллардан фойдаланилган. Натижада уларнинг қиёфасидаги имо-ишоралар ҳам худди одамникига ўхшаб кетади. Отонароид, Кодомороид ва Теленоид деб аталган роботлар турли ёшдаги инсонлар қиёфасида ишланган. Отонароид илмий маслаҳатчи вазифасини бажаради, умумий мавзуларда суҳбатлашади, имо-ишораларга жавоб қайтаради. Қизалоқ қиёфасидаги Кодомороид эса турли тилларда янгиликлар ўқийдиган сухандон сифатида тақдим қилинди. У ана шундай вазифаларни бажарадиган дунёдаги илк роботдир.

Роботлар Осако университети профессори Хироси Исигуро томонидан яратилган.

**Интернет материаллари асосида Ф. КОМРОН тайёрлади.**


Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги миллий валютадаги янги омонат турини таклиф этади:

«ТАЪТИЛ — 2014»

Ушбу омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 91 турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Мазкур омонат турларини банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар номи: | Телефон рақамлари: | Филиаллар номи: | Телефон рақамлари: |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | 371 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | 371 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 223-70-05 |
| Сирғали филиали | 371 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 298-02-10 | Афросиёб филиали | 366 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 233-15-68 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 770-60-56 |
| Марғилон филиали | 373 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | 373 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 552-61-06 | Жиззах вилоят филиали | 372 226-43-11 |

«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.



Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: М.Латипова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичи: 148 | 24732 нусхада чоп этилди. Буюртма S-278 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00

# Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда оммавий ахборот воситаларининг фидойилари бўлган, турли долзарб масалаларни қалбидан, юрагидан ўтказиб, бу соҳанинг бошқа тармоқлардан кам бўлмаслиги учун доимо интилиб яшайдиган сиз, муҳтарам журналистлар бир ҳақиқатни албатта яхши англайсиз, деб ишонаман: бугунги кунда, айни шу мураккаб ва қалтис замонда дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун аввало одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинади.

Турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уриниш, ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг узоқни кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, ғаразли мақсадлар йўлида одамларни, миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларни ҳаётдан норози қилиш, турли сохта маълумотларни тарқатиш, ўзгаларни писанд қилмасдан, кучи етадиган давлатларга пўписа ва зўравонлик кўрсатиш, ҳеч ким билан ҳисоблашмай куч ишлатиш ҳолатлари авваламбор оммавий ахборот воситаларининг бугунги ўқувчи, тингловчи ва томошабинларидан оқни қорадан, ҳақиқатни уйдирма гаплардан ажратиш учун ўзининг мустақил дунёқараши ва фикрига эга бўлишини тақозо этади.

Ҳозирги вақтда ён-атрофимизда ўзини оқламаган ва умрини ўтаб бўлган эски тизим ва мафкураларни қўмсашга бўлган уринишлар тобора тарқалиб ва кучайиб бораётган бир пайтда бундай кучларнинг қармоғига тушиб қолмаслик учун ахборот соҳасида етти ўлчаб бир кесиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни иродаси мустаҳкам, иймони бақувват инсонлар этиб тарбиялашда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти тобора ортиб бормоқда ва бу ўта муҳим вазифани адо этишда биз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Ёшларимизни айнан ана шу руҳда — миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтирадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, эртанги ҳаётимизнинг энг мустаҳкам пойдеворини қурган бўламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юксак касб маҳоратига эга бўлган етук журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчамиз яхши тушунамиз, бу вазифани амалга ошириш учун мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялар, чет эллардаги ҳамкасблари билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўз олдимизга ривожланган демократик давлатлар даражасига кўтарилишдек юксак мақсадни қўйган эканмиз, бошқа соҳалар қатори ахборот оламида ҳам илгарилаб кетган давлатлардан ўрганиш, айни шу асосда оммавий ахборот воситалари ходимларининг билим ва тажрибаси, касб маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикрни такрорлашни жоиз деб биламан.

Бугунги глобаллашув асрида ҳар қайси инсон, ҳар қайси касб эгасининг ўз малакаси ва савиясини ошириши учун қандайдир мафкуравий тўсиқ ва чеклашлар қолмаганини барчамиз яхши биламиз. Гап фақат ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тортинмаслик, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлдан қатъият билан илгарилаб боришга боғлиқ.

Бундай долзарб вазифалар авваламбор олий ўқув юртларида шу соҳа бўйича дарс берадиган, замонавий билим ва технологияларни ёшларга ўргатадиган ўқитувчи ва домлаларга тегишли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан 600 нафардан зиёди хорижий давлатларда малака ошириб, тажриба алмашиб қайтгани албатта эътиборга сазовордир. Айни вақтда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириш ва янада кучайтиришни бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг жаҳон журналистикасининг илғор иш услублари ва ютуқларини, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш, шу билан бирга, сиз, ҳурматли журналистларнинг олдида пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечиш учун давлатимиз томонидан барча чора ва тадбирлар албатта кўрилади.

Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, янги омадлар тилайман.

Азиз бошингиз доимо омон бўлишини истайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# Ёш жаҳон чемпионларига Президентимиз совғаси топширилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ёш иқтидорли болаларнинг халқаро майдонларда эришаётган юксак ғалабалари барчамизни қувонтиради. Яқинда Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритгани ҳамюртларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Жавоҳир тўрт ярим ёшидан шахмат билан мунтазам шуғулланади. У шахматчи сифатида халқаро майдондаги дастлабки ғалабасига 2012 йили Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида эришди. 7 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида блиц турнирда олтин, классик шахмат бўйича кумуш медалга сазовор бўлди. 2013 йили Эронда шахмат бўйича 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Унинг укаси Исломбек эса болалигидан ўзининг алоҳида салоҳиятини кўрсата олди. У 2012 йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган қитъа биринчилигида 5 ёшгача шахматчилар ўртасида кумуш медални қўлга киритди. «Ақл гимнастикаси» сир-асрорини тобора пухта ва жуда тез ўзлаштираётган И.Синдоровнинг ўйин услуби бугун кўплаб мухлису мутахассислар эътиборида. Чунки у тез ва тўғри қарор қабул қилади, партияда ҳар қандай мураккаб вазият юзага келса ҳам фақат ҳужумга зўр беради. Исломбекнинг ҳужумкор ўйин тактикаси 2013 йили Эрондаги Осиё чемпионатида бирйўла учта олтин медални қўлга киритишида муҳим аҳамият касб этди.

Жавоҳир ва Исломбек яқинда Грецияда ўтган жаҳон чемпионатида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқаро миқёсдаги ғалабалари тасодиф эмаслигини яна бир карра исботлади. Нуфузли мусобақанинг етти ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида иштирок этган Исломбек Синдоров рапид бўйича тўққиз турнинг барчасида ғалаба қозонди, блиц турнирда саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади ва жаҳон чемпионатининг иккита олтин медалига сазовор бўлди. Жавоҳир Синдоров тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ҳар икки йўналишда ҳам мағлубиятсиз дона суриб, тўққиз имкониятдан саккиз очкодан жамғарди ва у ҳам иккита олтин медални қўлга киритди.

Жаҳон чемпионати ғолиблари Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан тақдирланди. Уларнинг ота-онасига замонавий LCD телевизори берилди. Президентимиз совғаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

— Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга ҳавас қиламиз, — дейди Жавоҳир Синдоров. — Президентимизнинг совғаси бизни янада юксак марралар сари руҳлантиради, катта куч бағишлайди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Фаолиятда бир-бирига ўрнак ва ибрат бўлиб

< [1]

Айниқса, ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, кучли ижтимоий муҳофазани йўлга қўйиш, тўй ва маросимларни дабдабасиз ўтказиш борасидаги масалалар юзасидан маҳалламиздаги фаоллар, отахону онахонларнинг маслаҳатлари фаолиятимизда асқотяпти.

**Андижон вилояти**да ҳам танлов юқори савияда ташкил этилмоқда. Вилоят ташкилий қўмитаси аъзоларининг иштироки шаҳар ва туманларда ўтаётган тадбирларнинг таъсирчанлиги ҳамда уюшқоқлигини таъминлаяпти.

Марҳамат туманидаги танловда «Хўжаариқ» маҳалласи ғолиб деб топилди. Ҳайъат аъзолари ҳудудда, аввало, турмуш фаровонлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш масалалари билан бир қаторда, ҳужжатларни расмийлаштириш, комиссиялар фаолиятини яхшилаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш борасидаги эришилган ютуқларга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Қорасув шаҳридаги танлов ниҳоятда қизғин кечди. Бу ерда барча иштирокчи маҳаллалар тадбирга пухта ҳозирлик кўргани яққол сезилди. Ҳайъат аъзолари Низомда белгиланган шартларнинг ижросига жиддий аҳамият беришди. Пировардида Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла биринчи ўринни қўлга киритди.

—Ўтказилаётган бу анъанавий тадбир фаолиятимизнинг мухтасар сарҳисоби десам, янглишмайман, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла раиси Озода Холиқова. — Энди асосий диққат-эътиборни вилоят босқичига қаратамиз.

**Жиззах вилояти**да танлов саралаш босқичининг дастлабкиси Зомин туманида бўлиб ўтди.

Туманда 1 та шаҳарча, 28 та маҳалла, 12 та қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият кўрсатаётир. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ваколатларининг кенгайтирилиши натижасида уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу танлов фуқаролар йиғинлари ҳаётидаги ўзгаришларни намойиш этиш билан бир қаторда уларни ўрганишда, оммалаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Туман марказидаги 2-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган танлов фуқаролар йиғинлари ҳаётини акс эттирувчи кўргазма намойиши билан бошланди. Унда иштирок этаётган маҳаллалар ҳудудларидаги тадбиркорлар, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, шунингдек, фаоллар ҳамда комиссиялар фаолиятини акс эттирувчи фотоальбомлар намойиш этилди.

Танловда энг юқори натижага эришган Даштобод шаҳарчасидаги Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни қўлга киритди. Ташкил топганига қирқ йил тўлган ушбу маҳалла фақат Даштобод шаҳарчасида эмас, тумандаги энг йирик ва обод маҳаллалардан. Ҳудудда 6 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Иккита умумтаълим мактабида 600 нафар ўқувчи таълим олаётир. Замонавий қишлоқ врачлик пункти, 10 дан зиёд савдо дўкони, 8 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятидан аҳоли мамнун.

— Давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши билан фуқаролар йиғинларининг ваколатлари кенгайиб бораётир, — дейди фуқаролар йиғини раиси Норхол Пирназарова. — Бу аҳоли турмуш маданиятини ошириш, ёшлар тарбиясида маҳалланинг иш кўламини янада кенгайтириш имкониятини бермоқда. Ушбу танлов фаолиятимизни янада яхшилашимизда, ўзаро тажриба алмашишимизда қўл келаётир.

Иккинчи ўринни Зомин шаҳарчасидаги «Қўрғон», учинчи ўринни Даштобод шаҳарчасининг яна бир вакили — «Ўзбекистон» маҳалласи эгаллади.

**Сурхондарё вилояти** Узун туманида бўлиб ўтган танлов натижаларига кўра, биринчи ўринга «Янги йўл» маҳалла фуқаролар йиғини лойиқ топилди. «Оқмачит» фуқаролар йиғини иккинчи, файзободликлар эса учинчи ўрин билан кифояланишди.

Танловда турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

### 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ




ЎзА олган сурат.

# Юксак эътибор ва рағбат фидойилик ва фаолликка чорлайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани А.Нурматов, «Бухороном» газетаси бош муҳаррири Ж.Исмоилов ва бошқалар миллий медиа соҳани изчил, босқичма-босқич ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлиги, таъсирчанлигини ошириш масаласига давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини юзага чиқариш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ахборот ва сўз эркинлигига оид қоидаларнинг мустаҳкамлангани оммавий ахборот воситаларининг чинакам эркин фикр минбарига айланишининг ҳуқуқий кафолатини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир ўнга яқин қонун ҳужжати қабул қилингани оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишга оид ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ҳамда муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини янада равнақ топтиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш давр талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1400 га яқин газета ва журнал, электрон, интернет медиа тузилмалар самарали фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг 50 фоиздан ортиғини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда.

Юртимиз оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлиши, дунёнинг ривожланган мамлакатлари медиа тузилмалари даражасида фаолият олиб бориши учун яратилган шароит ва имкониятлар соҳадаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тобора такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари, телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган материалларнинг реал вақт режимида глобал тармоқ орқали дунё бўйлаб тарқатилаётгани, аксарият босма нашрларнинг ўз веб-сайтига эга экани миллий журналистикамизнинг жаҳон ахборот маконида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни бу жараёнда фуқароларнинг ахборот соҳасига оид ҳуқуқларини янада кенг таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини тобора кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонун фуқаролик жамияти институтлари вакилларига давлат органлари фаолиятига оид ахборотларни тўсиқсиз олишнинг ишончли кафолатини яратиш имконини беради.

Мустақил, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган медиа тузилмаларни шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси каби ташкилотлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ташкилотлар томонидан медиа тузилмаларни қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини янада яхшилаш, журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга оид кўплаб лойиҳалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан оммавий спорт тарғиботи бўйича фаоллик кўрсатган журналистларга совға ва дипломлар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали муҳаррири Моҳигул Азимова, «Еркин Қарақалпақстан» газетаси мухбири Адилбай Оразов, «Правда Востока» газетаси мухбири Виктория Абдураҳимова давлатимиз раҳбарига соҳа ривожи йўлида кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун байрам сайли ташкил этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### ФОНД КЎМАГИДА

# Йиғинлар замонавий қиёфа касб этмоқда

< [1]

— Йиғин идорасига ҳар хил юмушлар билан, турли кайфиятдаги кишилар ташриф буюришади, — дейди маҳалла раиси Эътибор Адизова. — Эндиликда идорамиз шинамлиги, яратилган шароит бу ерга келувчиларда ҳам хуш кайфият бахш этиб, аҳолининг жамият бошқарувидаги миллий институт — фуқаролар йиғинига нисбатан ишончини бирмунча оширмоқда.

Фонднинг фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини яхшилаш, самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш, бино ва иншоотлар билан таъминлаш борасида асосий ташкилотчи ва таъминотчи вазифаларини бажараётганининг амалий ифодасидир.

Ўз навбатида, ушбу маҳалладаги кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш учун бошланғич сармояларни йўналтиришда ҳам «Маҳалла» хайрия жамоат фонди асосий ташаббускорлардан бири бўлмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудуддаги ўн нафар эҳтиёжманд оилага томорқа ерларидан самарали фойдаланиш учун Фонд ҳисобидан бепул уруғлар, 15 та хонадонга эса парранда тарқатилди.

Фуқаролар йиғинларининг илғор тажрибаларини оммалаштириш, улар фаолиятини аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада кенгайтиришга кўмаклашиш орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришда фуқаролар йиғинларига услубий ёрдамларни амалга оширишда Фонднинг алоҳида ўрни бор.

— Маҳалла фаоли бу лавозим ёки мутахассислик эмас, балки, биринчи навбатда, эл ишончидир, — дейди Э.Адизова. —Ушбу вазифага келган одамдан, аввало, аҳоли билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши, халқнинг ишончини ва ҳурматини қозониши талаб этилади. Фонднинг бизга кўрсатаётган услубий ёрдамлари эса омма ишончига сазовор бўлиш, маҳалла фаолиятига оид қонунлар, низомлар ва бошқа турдаги ҳужжатлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда асқотмоқда.

Мазкур мақсадда ўтган уч йил давомида фуқаролар йиғинига Фонд томонидан 700 минг сўмликдан зиёд ўқув-услубий адабиётлар етказилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маънавий баркамол муҳитни шакллантириш ва бошқа мавзуларга оид кўргазмали тарғибот материаллари тарқатилди.

КАСАНАЧИЛИК — БАНДЛИКНИНГ ҚУЛАЙ ЕЧИМИ

# Касбли, ҳунарли ва ораста бекалар

***Гуллар шаҳри — Наманган азалдан ҳунармандчилик ривожланган ҳудуд саналади. Дурадгору тунукасозлари, пичоқчи-ю косиблари, нووвойлари, чеварлари билан машҳур бу гўшада хотин-қизлар ҳам ўз касб-ҳунари билан обрў қозонган. Айниқса, улар зардўзлик маҳсулотлари, каштa-ю ипак дўппилар тикиб, рўзғорга қут-барака олиб киришган.***

■ **Насиба АҲМЕДОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган шаҳар бўлинмаси бош мутахассиси.**



Юртимизда тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилгани боис бугунги кунда ҳам улар сафи тобора кенгаймоқда. Хусусан, шаҳримиздаги 82 та маҳалланинг барчасида аёллар етакчилигида ўнлаб тадбиркорлик субъектлари, кичик корхоналар фаолият юритмоқда. Улар эришаётган ютуқлар ҳақида ҳар қанча фахрланса, гапирса арзийди. Биргина мисол: «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг республика босқичида Наманган шаҳридаги «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти директори Анна Добрих «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси ғолиби деб топилгани ҳам фикримизга далилдир. Бугун унга ҳавас қилиб, ортидан эргашаётганлар талайгина.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини қошидаги «Маслаҳат марказ»лари оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётганларнинг, айниқса, ҳунарманд уй бекаларининг тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият кўрсатиши борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган шаҳар бўлинмаси томонидан «Олвализор» маҳалласида ўтказилган кўргазмали семинарда касаначилик ва уй меҳнатини ташкил этиш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш бўйича кенг тушунча берилди. Маҳалла тадбиркорлари — миллий либослар устаси М.Қорабоева, тажрибали чевар А.Тиллабоева, касаначи М.Абдураззоқова ва бошқалар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Шаҳар ҳокимлиги, банк ва солиқ тизими вакиллари иштирокида ўтган семинарда тадбиркорликни бошловчиларга зарур маслаҳатлар, тавсиялар берилди.

Шаҳримиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан уй бекалари ўртасида шартномалар тузиб, касаначилик фаолиятини ташкил этишда, айниқса, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар ташаббус кўрсатишмоқда. Улар кўмаги билан жорий йилнинг ўтган даврида 540 нафардан зиёд ёш ишга жойлаштирилди. 26 нафар қиз касбга тайёрлаш курсларида таҳсил олиб, хусусий тадбиркорликни бошлади. «Зарбдор», «Соҳибкор», «Мажнунтол» каби ўнлаб маҳаллаларда 330 нафардан зиёд балоғат остонасидаги ўсмирлар «Устоз — шогирд» йўналишида ҳунар ўрганди. Айни вақтда улар ҳам уй меҳнатига жалб этилган бўлиб, зардўзлик, чеварлик, каштачилик билан шуғулланишмоқда.

Шунингдек, 136 нафар фуқарога банкдан кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилди. 123 мингдан зиёд оиланинг ижтимоий аҳволи ўрганилиб, вақтинча ишсиз юрган 7261 нафар кишининг бандлигини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатилди. Бунинг учун маҳаллаларда 3 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бу каби тизимли ишларни самарали тарзда амалга оширишда мутасадди идоралар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўрнатилган ҳамкорлик қўл келаётир. Шундан келиб чиқиб, бундан кейин ҳам тадбиркор бўлишга аҳд қилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш орқали касаначиликни янада оммалаштириш асосий вазифаларимиздан бўлиб қолаверади.

ТУРИЗМ — ИСТИҚБОЛЛИ ТАРМОҚ

# Бир манзил бўлади, кўриб кўз қувонади



■ ЎзА олган сурат.

***Бугунги кунда нафақат Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, балки Қашқадарё вилоятидаги ҳар бир гўшанинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда.***

■ **Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»**

Маҳаллаларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо мажмуалари, чойхона ва тўйхоналар, қолаверса, хорижлик меҳмонлар ва сайёҳлар учун қатор меҳмонхоналар ҳамда ҳунармандчилик дўконларининг қуриб фойдаланишга топширилаётгани мазкур вилоятнинг юртимиздаги туризм ривожланган ҳудудлар қаторидан жой олаётганидан далолатдир. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори мазкур бунёдкорлик ишларида дастуриламал бўлмоқда.

— Ҳукуматимиз томонидан вилоятни туристик шаҳарга айлантириш учун кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани, маблағлар ажратилаётгани имкониятларимизни янада кенгайтираётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. — Ўз навбатида, Фонднинг вилоят бўлими томонидан ҳам бу борада муайян режалар асосида амалий ишлар бошлаб юборилган. Чунончи, хайрли ишга тадбиркорларни жалб этиш, уларга бизнес лойиҳаларини ривожлантириш учун кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари учун жой ажратишга маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бош-қош.

Жорий йилда Қарши шаҳрида 12 тадан зиёд, вилоят бўйича эса 25 та меҳмонхона қуриб ишга туширилиши кўзда тутилган. Жумладан, Қарши шаҳридаги «Пахтазор» маҳалласида «Арк-компьютер-сервис» масъулияти чекланган жамияти йиғин фаолларининг таклифи ҳамда амалий кўмагида ҳудудда 120 ўринли ресторан фаолиятини йўлга қўйди. Маҳалланинг 10 нафардан зиёд фуқароси доимий иш ўрнига эга бўлди.

«Табассум» маҳалласида жойлашган «Насаф-трэвэл» меҳмонхонаси қайта реконструкция қилинди. Замонавий ҳамда миллийлик уйғунлигида қурилган ушбу уч юлдузли меҳмонхона доим чет эллик сайёҳлар билан гавжум. Меҳмонхона раҳбари Ўктам Хўжаёров йиғин раиси Болта Исоқов билан бамаслаҳат ҳудуддаги хорижий тилларни биладиган, мулоқотга тез киришувчан ёшларни меҳнатга жалб қилди. Бундан ташқари, меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида меҳмонхона ёнида сартарошхона, овқатланиш шохобчаси, ресторан, фотосалон, гўзаллик салони, хуллас, яхлит сайёҳлик мажмуаси барпо этилди.

Шунингдек, «Зардўзлик», «Чакар», «Ҳарамжўй», «Дарвозатутак», «Гулшан» маҳаллаларида ҳам ана шундай сайёҳлик масканлари барпо этиляпти. Ушбу маҳаллалар, асосан, ҳунармандлар маҳалласи бўлгани боис Фонд ташаббуси билан ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиладиган савдо майдони ташкил этиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Шаҳрисабз туманида Дастурга кўра 16 та маҳаллада реконструкция ишлари амалга оширилди. «Заргарлик» маҳалласида жойлашган Чорсу тарихий мажмуаси ичида кулолчилик маркази ташкил этилиб, ҳудудни «Кичик сайёҳлар шаҳарчаси»га айлантириш режалаштирилган. Бу саъй-ҳаракатлар амалга ошса, ҳудуд ҳунармандлари оилавий бизнесларини бошлашларига имконият яратилади.

«Камолот» маҳалласидан тадбиркор Саъдулла Мамадалиев ҳам ҳудудда туризм соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. У туман ҳокимлиги ҳамда йиғин фаолларининг амалий кўмагида маҳалла ҳудудида ҳайвонот боғи ташкил этди. Яқин кунларда ишга тушириладиган боғ нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижликларнинг ҳам севимли масканига айланишига шубҳа йўқ.

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# Рўзғор бутлиги, дастурхон тўкинлиги ишбилармонликдан

***Зомин туманида қадимдан ҳунармандчилик ривож топган маҳаллалар кўп. Чунончи, туман марказидаги «Навбаҳор» маҳалласи ҳудудида касб-ҳунари асосида оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлар бисёр.***

■ **Бек НАЗАР «Mahalla»**

Масалан, Исмоил Дадаев ва унинг турмуш ўртоғи Ҳайитгул Дадаеванинг ишбилармонлиги туфайли уларнинг фарзандлари касб-корли, меҳнатсевар бўлиб улғайишди. Бугун ўғил-қизлар, келинлар, невaралар ҳунармандчилик асосида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишаётир.

И.Дадаев ўғиллари Қаҳрамон, Дилмурод ва Элмурод билан аҳолининг кун сайин ўсиб бораётган талабини ҳисобга олиб, замонавий хомашёлардан эшик-ром ясашни йўлга қўйган. Пишиқ, мустаҳкам ва дид билан ясалаётган маҳсулотлар қўшни ҳудудларда ҳам харидоргир.

Чевар Ҳайитгул Дадаева эса, ўн йилдан буён ёнига қиз ва келинларини олиб, тикувчилик билан шуғулланиб келаётган тадбиркор аёллардан. Оилавий чеварларни туман марказидаги бошқа маҳаллаларда ҳам яхши билишади. Ишларида миллий ва замонавий дизайндан самарали фойдаланаётгани туфайли мижозлари сони кўпайиб бормоқда. Ҳунармандлар ҳар йили турли кўрик-танловларда иштирок этиб, муносиб ўринларни қўлга киритиб келишяпти. Жумладан, «Ташаббус — 2010», «Ташаббус — 2011» ҳамда «Ташаббус — 2012» кўрик-танловларида туманда биринчи, вилоят босқичида фахрли ўринларни эгаллашди.

Ҳайитгул Дадаева нафақат қўлигул чевар, зарур пайтда буюртмани арзон нархда бажариб, бошқаларга беминнат ёрдам кўрсатадиган олижаноб тадбиркор ҳам. Ўтган йили туман каратэ федерациясига арзон нархда спорт кийимлари тикиб берди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга доимий равишда ёрдам кўрсатиб келаётир. У 15 нафар ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган маҳалладошини ўз оталиғига олиб, бепул кийим-кечак билан таъминлаш, байрамлар, муҳим саналарда уларга совға-салом улашиш каби хайрли ишларнинг бошини тутган.

— Маҳалламизни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришда Ҳайитгул Дадаева сингари ташаббускор тадбиркорларнинг ҳиссаси катта, — дейди «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Дўстмуродов. — Тадбиркор нафақат оиласи, балки кўпчиликнинг хизмати учун ҳам меҳнат қилишдан чарчамайди. У йиғин қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия раиси сифатида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган хотин-қизлардан маслаҳат ва тавсияларини аямайди, тажрибаларини улар билан ўртоқлашади.

Шунингдек, бу тадбиркор маҳалладаги аёлларни касаначиликка жалб этиш, коллежни битирган қизлар бандлигини таъминлаш каби ишларда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир. Хусусан, унинг ташаббуси билан ўтган йили 17 нафар аёл касаначиликка жалб этилиб, коллежни битирган 14 нафар қиз ишга жойлаштирилди. Исмоил Дадаев эса, маҳалладаги ўн нафарга яқин ёшга дурадгорликдан сабоқ бераётир.

— Оилавий тадбиркорликда хонадоннинг ҳар бир аъзосининг қизиқиши, имконияти, эҳтиёжи ҳисобга олинади ва бу меҳнат тақсимотининг ўзига хос шакли ҳисобланади, — дейди Ҳайитгул Дадаева. — Оиламизда ана шу ихтиёрий меҳнат тақсимотига амал қилаётганимиз боис ҳар биримиз севимли касбимиз билан машғулмиз. Қизим ва келинларим чеварлик, ўғилларим дурадгорликка меҳр қўйиб кам бўлишмади. Бугун рўзғоримиз бут, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон. Эришган муваффақиятларимиз давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятига берилаётган имконият ва қулайликлар туфайлидир.

Айни пайтда ҳудудда ўн нафар оилавий тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Паррандачилик билан шуғулланаётган Неъмат Пардаев, алюмин эшик-ромлар ясаётган Дилмурод Абдураҳмонов, кошинкор уста Комил Каримов сингари тадбиркорлар ўз ҳунарларини фарзандларига, маҳалла ёшларига ўргатиб, оилавий тадбиркорлар сафининг янада кенгайишига ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СОЛИҚ ТИЗИМИДА

# Ягона талаб ва тартиб асосида

***Юртимизда йўловчи ташиш транспорти фаолиятини ривожлантириш орқали аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.***

■ **Алишер ҒАНИЕВ, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ДСИ бошлиғи.**

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори йўловчи ташишда ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бундай таксилар фаолиятини тартибга солиш, транспорт хизматлари сифатини яхшилашда дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қарорга асосан «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди. Унда республикамиз ҳудудида йўналишсиз таксиларнинг ташқи кўринишига ва ички маълумотлар билан жиҳозланишига, йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчиларига нисбатан талабларни, шунингдек, йўловчилар ва уларнинг йўловчи йўналиши бўйича юкини ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган енгил автотранспорт воситаларининг барча турларига нисбатан ягона талаблар белгилаб берилган.

Ягона таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб туришини таъминлаш учун мўлжалланган ҳамда улар йўналишсиз таксиларда йўловчилар ташишни амалга оширувчи барча ташувчилар учун мажбурийлиги белгиланган.

Ушбу йўналишда Олмазор тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан мунтазам равишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Лекин фуқаролар томонидан ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Мутасадди ташкилотлар иштирокида ўтказилаётган назорат тадбирларида ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар аниқланиб, уларга нисбатан суд идоралари томонидан қонунчиликда белгиланган чоралар қўлланилмоқда. Шуни унутмаслик керакки, қонуний фаолият юритиш, солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳам ватанпарварликнинг бир кўриниши, мамлакат ривожига қўшилган ҳиссадир.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

# Сардор қатъиятли ва жонкуяр йигитларни саралаган

***Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» маҳалласи ҳудуддаги энг намунали фуқаролар йиғинлари сирасидан.***




■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

■ **Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»**

Уч ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳолини тадбиркорлик, бунёдкорлик ишларига жалб қилиш, ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш борасида қувонарли натижаларга эришилмоқда. Бунда йиғиннинг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг ҳиссаси беқиёс. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг Низоми соҳа вакиллари фаолиятини такомиллаштириш, масъулиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Бир неча йиллардан буён мазкур тузилманинг сардори сифатида фаолият юритиб келаётган Салим Тошбоев ўз вазифасини пухта билгани ва тинимсиз изланиши боис бошқа ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонган.

— Эрта тонгдан маҳалламиз кўчаларини айланиб, тинч ва осуда ҳудудимизни кўздан кечиргач, тўғри йиғин идорасига йўл оламан, — дейди сардор. — Кўнгил хотиржамлиги билан иш кунини бошлашнинг ўзи бахт, аслида. Тузилмамиз эпчил, қатъиятли ва масъулиятни чуқур ҳис эта оладиган йигитлардан ташкил топган. Улар билан зиммамизга юклатилган вазифаларни биргаликда, бамаслаҳат бажарамиз. Маҳалламизда 2 та кўча ҳамда 38 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, ҳар биримизга тақсимланган ҳудудни нафақат осойишталигини таъминлаш, балки экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришда фуқаролар фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Сардор фаолиятини мувофиқлаштириб, ишни тўғри ташкил этган. «Маҳалла сардори ва унинг посбонлари» иш режаси китоби шакллантирилиб, унда кунлик, ойлик ва йиллик вазифалар, чора-тадбирлар тизимли ишлаб чиқилган. Тузилма аъзолари иш кунининг бошланишида қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқ белгилаб оладилар. Кўпмиллатли аҳолидан ташкил топган мазкур йиғинда фуқароларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилиб келишаётгани, албатта, сардор ва унинг жонкуяр посбонларининг тинимсиз саъй-ҳаракати ва меҳнатининг ифодасидир. Охирги икки-уч йилда эришилган натижалар сарҳисобига эътибор қаратадиган бўлсак, маҳалладаги нотинч оилалар сони кескин камайди. Хусусан, 2012 йилда ичкиликка ружу қўйган, оилавий муҳити носоғлом оилалар сони 4 тани ташкил қилган бўлса, жорий йилда бундай оилалар умуман кузатилмади. Қолаверса, оғир жиноят, майда безорилик, айниқса, вояга етмаганлар ва аёллар ўртасида жиноятларнинг содир этилмагани диққатга сазовор. Айниқса, сўнгги уч йилда бирорта ҳам ажрим кузатилмади.

Бундан ташқари, тузилма аъзоларининг йиғиннинг профилактика инспекторлари Фахриддин Каримов, Дониёр Ҳакимовлар билан ҳамкорликдаги тажрибаларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Маҳаллага келиб кетувчиларни назорат қилиш, паспорт тизимини рўйхатга олиш, қолаверса, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, огоҳлик ва сергаклигини ошириш мақсадида диний экстремизм ва терроризм, одам савдоси ҳамда гиёҳвандликка қарши кураш мавзуларида турли тадбирлар ўтказиб келиняпти.

Айни таътил пайтида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида йиғинда «Ораста ёшлар давраси» тўгараги фаолияти йўлга қўйилган. Унда ўғил-қизлар турли мавзуларда суҳбатлар, баҳс-мунозарали учрашувлар ташкил қилиб, ўзаро фикр алмашаётир. Бундан ташқари, ёшларни спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун барпо этилган «Умид» спорт мажмуасида юзга яқин ўсмир машғулот олиб бормоқда.

Касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ҳудуддаги тадбиркор ва ҳунармандлар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ўтган йили 18 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг 12 нафари ишга жойлаштирилди, тўрт нафари олий ўқув юртига ўқишга кирди.

Бугун «Умид» маҳалласига ташриф буюрган киши фаровонлик йўлида амалга оширилаётган ишлардан завқ олиши тайин. Зеро, ҳавас билан яшаб, ибрат бўлаётган инсонлардан ўрнак олишнинг гашти ўзгача.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# Ёзда ёнгани ёмон...

***Халқимиз тозалик, покизаликни севади. Баъзан кўча-кўйлар, маҳаллаю мавзелар кўркини бузиб турли чиқиндилар тўплангани эса кўнгилни хира қилади.***

■ **Эржан АМРАҚУЛОВ, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, кичик сержант.**

Ёз фаслида қуриган шох-шаббаларни, ўт-ўланларни дуч келган жойга тўплаб қўйиш, белгиланган жойларга вақтида чиқариб ташламаслик ёнғин ҳолатлари содир бўлишига олиб келади.

Фаолиятимизда бундай нохуш ҳолатлар кўплаб учрайди. Қуриган шохлар устига сигарета қолдиғининг ташланиши оқибатида ёнғинлар келиб чиқаётир. Инсонларнинг атроф-муҳитга беэътиборлиги қанчалар мудҳиш оқибатлар олиб келишини аҳолига турли тарғибот воситалари орқали тушунтираётирмиз. Бундай тадбирлар, асосан, туманимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари иштирокида ташкиллаштирилаётгани кутилган натижаларни бермоқда.

Жумладан, ўтган йилнинг ёз мавсумида қуриган ўтлар билан боғлиқ ёнғинлар сони жами 100 тани ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг 61 фоизга камайишига эришилди. Бу, албатта, соҳа ходимларининг аҳоли ўртасида мунтазам ўтказаётган профилактик ишлари натижасидир.

Тилсиз ёв инсоннинг нафақат молу мулкига, балки ҳаётига ҳам хавф солади. Бу эса аҳолини ушбу хатар домидан асраш мақсадида олиб борилаётган тадбирларни ҳамкор ташкилотлар билан ҳамжиҳат ташкил этишни тақозо этади.